

---

Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида  
электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, эртага 2023 йил 15 июн куни 35/10 кВли “Хотамтой” нимстанциясининг Т-1 трансформаторида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур нимстанциядан таъминланувчи 10 кВли "ТП-400", "Давлатботир" ҳамда истеъмолчи тасарруфида бўлган “Умид” хаво узатмалари орқали электр энергиясини етказиб бериш вақтинча тўхтатилади. Айни узатмалар орқали электр энергияси билан таъминланадиган **Давлатботир, Нурли Келажак, Қораёзбобо** ҳамда **Хотамтой** маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотида эртага, **15 июн куни соат 09:00 дан 17:00 гача** вақтинчалик узилиш бўлиши кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

**Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси**  
Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-06-14 19:23:55